

Тавбанинг шартлари тўртта эканини жуда яхши биламиз.

Булар:

1. Гуноҳдан узилиш.
2. Қилган гуноҳига пушаймон бўлиш.
3. Гуноҳларнинг ҳаммасига мутлақо қайтмасликка азму қарор қилиш.
4. Ҳақларини ўз эгаларига қайтариш.

Жонимиз ҳалқумга келмасидан, қуёш мағрибдан чиқмасидан олдин тавбага шошилалик, Аллоҳнинг раҳматидан умидимизни узмайлик.

Энди оятдаги кейинги жумлага эътиборимизни қаратсак:

إِنِّي مَغْفِرٌ لِّذُنُوبِهِمْ وَإِنِّي نَذِيرٌ لِّلَّامِينَ

«Албатта, Аллоҳ гуноҳларнинг ҳаммасини мағфират қилади». Хоҳ эркак бўлсин, хоҳ аёл бўлсин, ҳамма ичида ўйлаши мумкин: «Мени фалон-фалон катта гуноҳларим бор...» дея ҳаётининг гуноҳ билан булғанган онлари кўз олдидан ўта бошлайди. Кейин ўзига бундай савол беради: «Аллоҳ мени мағфират қиладими, У Зот тавбамни қабул қиладими, У Зот мени кечирадими, У Зот ҳаётимни яхши томонга ўзгартирадими, У Зот мени қабул қиладими, Аллоҳ таоло мени гуноҳларни тарк этадиган бандалари сафига қўшадими?»

Биз бу саволга: «Ҳа, албатта, кечиради. Агар гуноҳларинг тоғларча бўлса ҳам. Чунки Аллоҳ таоло оятда «Албатта, Аллоҳ гуноҳларнинг ҳаммасини мағфират қиладир» деб келтирган. Оятда **ذُنُوبٌ** «зунуб», яъни «гуноҳлар» калимаси келяпти, бу **ذَنْبٌ** «занб», яъни «гуноҳ» калимасининг кўплиги ҳисобланади. Аллоҳ таоло оятда **ذُنُوبٌ** «зунуб» калимасининг ўзини келтириб қолмай, ортидан **إِنِّي مَغْفِرٌ** «жамиъан», яъни «барча» калимасини ҳам келтирди. Бу дегани иккита, учта, тўртта гуноҳни демади, балки ҳамма гуноҳларни мағфират қилади деб марҳамат қилди. Бу калималар барча мўмин-мусулмонлар учун хушхабардир.

لَا يَلْمِزُكَ فِئْتَانًا مِّنَ الْفِرْعَوْنَ وَلَا يَلْمِزُكَ فِئْتَانًا مِّنَ الْفِرْعَوْنَ وَلَا يَلْمِزُكَ فِئْتَانًا مِّنَ الْفِرْعَوْنَ

«... Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманг!...» (Зумар сураси, 53-оят), «Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманг», Аллоҳ Ғофурдир, Аллоҳ Каримдир, Аллоҳ Роҳиймдир! Унинг Раҳмати кенгдир.

Эй биродар, Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлишинг натижасида Унинг раҳматидан маҳрум бўлиб қолмагин! Зеро, У Зот Қуръони Каримда шундай марҳамат қилган:

إِنِّي أَنزَلْتُ الْقُرْآنَ بِالْحَقِّ وَالْحَقَّ أَنزَلْنَاهُ لِقَوْمٍ يُعْلَمُونَ

«... Раҳматим эса ҳамма нарсадан кенгдир...» (Аъроф сураси, 156-оят).

Бу оятда Унинг раҳмати ҳамма нарсадан кенг экани баён қилинмоқда. Сен ҳам, мен ҳам, ҳаммамиз нарсамиз (яъни буюммиз, предметмиз), Аллоҳнинг раҳматидан умидимизни узмаймиз.

Аллоҳ таоло барчамизни раҳматиға сазовор бандаларидан қилсин! Омин!

Таржимон: Нозимжон Ҳошимжон